



2020 у « 14 » ноябрь

№ Қ-626

« \_\_\_ » 20 \_\_\_ г

**Шеробод тумани “Кўхитанг” массиви  
“Чорбок” маҳалласи ҳудудидан “Nasaf  
Universal Form” МЧЖга “Туз каръери”  
учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 ноябрдаги 03-02/762-сон йиғилиш баёни, Шеробод тумани ҳокимининг 2020 йил 21 сентябрдаги 01-03/1233-сон хатини кўриб чиқиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 ноябрдаги 03-02/762-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Шеробод тумани “Кўхитанг” массиви “Чорбок” маҳалласи ҳудудидан “Nasaf Universal Form” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 1510қ-дала контуридаги 13,50 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони “Туз каръери” учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Усмонов) ва Шеробод тумани ҳокимлиги (А.Амиров) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Сувонқулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов